



УДК 63.631.5

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ШОРТАНБАЙ-1 НАВИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Абсаттаров Ниетбай Алланбергенович, Омаров Алауддин
(г. Нукус, Республика Узбекистан)

Аннотация: Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳосилдорлик ва нонбоплик хусусиятлари юқори бўлган, касалликларга чидамли қузги буғдойнинг Шортанбай-1 навининг бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш асосида юқори навдор уруғликлар етишишириб, уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари га етказиб берилишини таъминлаш масаласи қўтирилган.

Калит сўзлар: Қузгу буғдой, нав, уруғчилик, ҳосилдорлик, экологик омиллар, миқдор, вариант.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонида” “3.3 бандида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган, жумладан шўрланган ерлардан ва сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тупроқ, иқлим ва экологик шароитларга мослашган, шўрга чидамли қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш, танлаш, ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган”. Экинларни инновацион технологиялар асосида етишириш, ерлардан унумли фойдаланиш билан бир қаторда тупроқ шароитини яхшилаш, дон ҳосили етишириш технологиясини такомиллаштириш, уруғчиликни ривожлантириш давр талаби бўлиб қолди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларининг тупроқ-иқлим ва хўжалик шароитлари сув ресурслари камлиги шароитида дон маҳсулотларини етиширишини кенгайтириш, шурланган тўпроқ шароитида қузги буғдойнинг истиқболли навлари ва гибридлари уруғчилигини ўрганиш асосий мақсадимиз бўлди.

Бунда асосий эътибор донли экинларнинг юқори ҳосил берадиган ва юқори сифатли навлар ва гибридларни етиширишнинг интенсив технологияларни жорий этишга қаратилди. Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларида донли бошоқли экинларнинг ҳосилдорлиги бошқа вилоятларга солиширганда пастлиги, ушбу регионни экологик-иқтисодий ва тупроқ иқлим шароитларини ҳар томонлама ва теран ўрганишни ва қузгу буғдойнинг





истиқболли навларини яратишнинг агротехник параметрларини ишлаб чиқиши талаб этади.

Республикамиздаги кузгу буғдой майдонларининг 80% бошқа давлатлардан олиб келинган навлар ташкил этади. Ушбу навлар Қорақалпоғистон Республикасининг кескин континенталь иқлим шароитларига мослашмаганлиги, шўрланган тупроқ шароитида ўсиши қийинлиги сабабли мунтазам юқори ҳосил олиш имкониятини бермайди [1,2].

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган тупроқларининг табийий унумдорлиги пастлиги билан фарқ қилиб, озиқа элементлари миқдори бўйича паст даражада таъминланганлиги, тупроқнинг ҳайдаш қатламида шурланиш даражасининг юқорилиги, суғориш сувлари билан кеч таъминланиши ушбу шароитга мослашган, юқори ва мунтазам юқори ҳосил олиш имконитини берадиган кузги буғдойнинг маҳаллий навларни ва гибридларни экишни тақоза этади.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қорақолпоғистон илмий тажириба станциясида кузгу буғдойдан сифатли, бир хил уруғлик материалларини олиш учун 2021-2022 йилларда экспериментал участканинг уруғчилик участкасида уруғларни қўпайтириш бўйича илмий тажрибалар олиб борилди. Кейинги қўпайтириш ишлари уруғчилик схемаси бўйича фермер хўжаликларида олиб борилади.

Тажриба Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларининг экстремаль шароитларини ҳисобга олиб, кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий истиқболли “Шортанбай-1” навининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва хўжаликларди юқори сифатли ва бир хил уруғлар билан таъминлаш мақсадида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси:

- кузгу буғдойнинг бирламчи уруғчилигини истиқболли навларда юритиш.
- уруғчиликни қўпайтириш ва илмий асосларини ишлаб чиқиш.
- қупайтириш жараёнида ушбу навга хос бўлган барча хўжалик-биологик белгиларини сақлаб қолиш.

Уруғчилик ишлари кузги буғдойнинг бор аналогларига солиштирганда истиқболли навларида олиб борилади. Бирламчи уруғчилик кўйидаги схемада олиб борилади: А) Уруғчилик питомниги; Б) Кўпайтириш питомниги; В) Суперэлита.

Иккинчи йили дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясида, амалга оширилган селекция соҳасидаги ишлар натижасида янги яратилган, истиқболли кузги буғдой Шортанбай-1 навининг бирламчи уруғчилик тизими илмий асосда ташкил этилган 1-2 йилга оиласларни текшириш, синаш кўчатзорларидан етиштирилиб олинган уруғликларни 1-йилги қўпайтириш кўчатзорида уруғларини қўпайтиришни ташкил этиш, кўчатзорда вегетатция даври давомида бошоқлаш,





мум пишиш фазаларида 2 марта нав тозалигини таъминлаш мақсадида нав тозалаш ишларини ташкил этиш ҳамда 2-йил қўпайтириш кўчатзори учун етарли миқдордаги уруғликларни тайёрлаш ишлари олиб борилди.

Тажрибаларимизда кузгу буғдойнинг истиқболли «Шортанбай-1» навининг ўртача ҳосилдорлиги 58,4 ц/га ташкил этди ва бошқа навларга нисбатан юкорилигини кўрсатди.

Демак Шортанбай – 1 нави Қорақалпоғистон шароитида перспектив нав эканлигини кўрсатди ва иқтисодий жихатдан самарали эканлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тадкиқотлари натижасида керакли миқдорда уруғ билан таъминланди ва бу келажакда импорт уруғларининг олиб келинишини қисқартиришга асос бўлади.

Кузгу буғдойнинг бирламчи уруғчилиги учун база яратилади ва юқори сифатли элита уруғларини қупайтириш учун экспериментал участкани талабини қониқтириш имконияти яратилади.

Етиштирилган уруғликларини ишлаб чиқаришга кенг майдонларга экишга етказиб берилиши келгусида етиштириладиган маҳсулотлар сифати ва миқдорининг ортиши учун хизмат қиласи. Шунингдек ўзимизнинг шароитларимизда юқори авлодли уруғликларни арzon нархларда етиштирилиш республикага хориждан қиммат нархлар валюта ҳисобига олиб келинаётган уруғлик хажмларини қисқартиришга замин яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Утамбетов Д., Хожамбергенов Г. Қорақалпоғистон Республикасида бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси. Тошкент-2015 йил.

2. Аллашов Г.Е., Утамбетов Д.У., Торешов П.А. Подбор наиболее приспособленных к условиям Приаралья сортов озимой мягкой пшеницы. Аграрная наука 2020, 336(3) Москва, Россия. Стр 60-62

3. Shaxnoza, U. (2022). Comparative Study of Cosmonims (Sun, Moon...) In Uzbek and English. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 7, 72-75.

4. Shaxnoza, U. (2022). Comparative Study of Cosmonims (Sun, Moon...) In Uzbek and English. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 7, 72-75.

5. Shaxnoza, U. (2022). Comparative Study of Cosmonims (Sun, Moon...) In Uzbek and English. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 7, 72-75.

6. Shaxnoza, U. (2022). Comparative Study of Cosmonims (Sun, Moon...) In Uzbek and English. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 7, 72-75.

